

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

221 Хоразм вилоятида паррандачиликни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

[Кўчирма]

Хоразм вилоятида паррандачиликни замонавий технологиялар асосида янада ривожлантириш, аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш учун шароитлар яратиш, паррандачилик ташкилотлари ва наслчилик хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги, «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки ҳамда ушбу қарорнинг 1-иловасига мувофиқ муассис ташкилотларнинг масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Хоразм naslli parranda» паррандачилик мажмуини (кейинги ўринларда — «Хоразм naslli parranda» МЧЖ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

берилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

Хоразм вилоятида аҳолини тухум йўналишдаги ёш паррандалар билан таъминлашга ихтисослашган паррандачиликни ривожлантириш дастурини амалга ошириш;

Хоразм вилоятида инкубацияларда жўжа чиқазиш, ёш паррандаларни етиштириш (йилига камида 1 млн бош) ва тухум йўналишидаги она товукларни (камида 200 минг бош) парваришлашни ўз ичига оладиган паррандачилик мажмуасини ташкил этиш;

бошланғич босқич — 2017 йилда Хоразм вилоятининг Хива туманида деҳқон хўжаликлари ва аҳолини ёш паррандалар (ўртача 100 бошдан), қафас ва омукта ем билан таъминлаш механизмини жорий этиш, кейинчалик — 2018-2019 йилларда ушбу тажрибани Хоразм вилоятининг бошқа туманларида ҳам йўлга қўйиш;

Хоразм вилоятининг ҳар бир туманида паррандачилик хўжаликларига ветеринария хизматлари кўрсатиш бўйича марказларни босқичма-босқич ташкил этиш;

биринчи навбатда, паррандачиликда қўлланилаётган омукта ем, витаминлар, премикслар ва қўшимчалар таркибини кенгайтириш ва сифатини ошириш ҳисобига паррандачилик тармоғининг озуқа базасини шакллантириш ва ривожлантириш;

халқаро талабларга мувофиқ сифат менежменти тизимини, етиштирилаётган паррандачилик маҳсулотларини сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни, саноат усулида қайта ишлаш ва қадоқлашнинг замонавий усуллари кенг жорий қилиш;

ички ва ташқи бозорларнинг маркетинг тадқиқотларини тизимли равишда амалга ошириш, паррандачилик хўжаликларини ёш паррандаларни ўстиришга мўлжалланган замонавий технологик ускуналар билан жиҳозлашда, етиштирилаётган паррандачилик маҳсулотларини экспорт қилишда қўмаклашиш.

2. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Хоразм насли парранда» МЧЖнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини ҳамда белгиланган тартибда унинг устав капиталини шакллантирилишини таъминласин.

3. Қуйидагилар:

Хоразм вилояти деҳқон ва томорқа хўжаликларини ёш паррандалар, қафас ва омукта ем билан таъминлаш, ветеринария хизматлари кўрсатиш ва паррандачилик маҳсулотлари етиштириш схемаси 2-иловага мувофиқ ҳамда деҳқон хўжаликлари ва аҳолини паррандачилик фаолиятига жалб этиш схемаси 2а-иловага мувофиқ;

Хоразм вилоятининг деҳқон ва томорқа хўжаликларини ёш паррандалар билан таъминлашнинг прогноз параметрлари 3-иловага мувофиқ;

Хоразм вилоятининг деҳқон ва томорқа хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлашнинг мақсадли параметрлари 4-иловага мувофиқ;

2017 — 2019 йилларда «Хоразм naslli parranda» МЧЖ ва Хоразм вилояти паррандачилик ташкилотларининг моддий-техника базасини ташкил этиш учун ўз маблағлари ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ кредитлари ҳисобидан таъминланадиган харажатларнинг ҳисобланган ҳажми 5 ва 5а-иловаларга мувофиқ;

тижорат банклари томонидан Хоразм вилояти деҳқон ва томорқа хўжаликларига ёш паррандалар ва қафаслар харид қилиш учун микрокредитлар беришнинг мақсадли параметрлари 6-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Тижорат банкларига аҳолининг иш билан банд бўлмаган қатламларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида ёш паррандалар ва қафасларини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган фоизда 1 йилгача имтиёзли давр билан уч йил муддатга микрокредитлар бериш тавсия этилсин.

6. Хоразм вилояти ҳокимлиги «Хоразм naslli parranda» МЧЖга озуқа базасини мустаҳкамлаш ва вилоят паррандачилик хўжаликларининг омухта емга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида буғдой, маккажўхори, соя ва бошқа бошоқли дон экинларини жойлаштириш учун қишлоқ хўжалик ерларини белгиланган тартибда босқичма-босқич ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда парранда етиштириш учун инкубаторлар, қафаслар ва бошқа тегишли технологик ускуналарни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 3 апрель,
171-сон


Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 3 апрелдаги 171-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Xorazm naslli parranda» МЧЖ муассислари
ТАРКИБИ**

Т/р	Муассисларнинг номи	Устав жамғармасидаги улуш миқдори (млн сўм)	Устав жамғармасидаги улуш (фоизда)
1.	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ («PSB industrial investments» МЧЖ инвестицион компанияси орқали)	4000,0	80%
2.	«Feedgran» МЧЖ	500,0	10%
3.	«Qo'shko'pirparranda» МЧЖ	500,0	10%
Жами:		5 000,0	100%

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 3 апрелдаги 171-сон қарорига
2-ИЛОВА

Хоразм вилоятининг деҳқон ва томорқа хўжалиқларини ёш паррандалар, қафас ва омухта ем билан таъминлаш, уларга ветеринария хизматлари кўрсатиш ва паррандачилик маҳсулотлари егиштириш СХЕМАСИ



→ — кредитлар, туҳумдор товуқ жўжалари, қафаслар, омухта ем ва ветеринария хизматлари
 - - - - - → — шахсий ёрдамчи хўжалиқларининг тайёр маҳсулотлари

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 3 апрелдаги 171-сон қарорига
2а-ИЛОВА

**Деҳқон хўжаликлари ва аҳолини паррандачилик фаолиятига жалб қилиш
СХЕМАСИ**

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Муддати
1-босқич	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, тижорат банклари	Уйма-уй юриб паррандачилик фаолиятига жалб қилинадиган деҳқон ва томорқа хўжаликлари рўйхатини шакллантириш.	ҳар йили
2-босқич	«Хоразм naslli parranda» МЧЖ, паррандачилик хўжаликлари	Деҳқон ва томорқа хўжаликлари билан: ёш паррандалар, қафаслар, омухта ем етказиб бериш; ветеринария хизматлари кўрсатиш ва паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича шартномалар тузиш ва шу билан бир вақтда товукларни боқиш, парваришlash ва эмлаш талаблари билан таништириш.	уй хўжаликлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб
3-босқич	Тижорат банклари	Деҳқон ва томорқа хўжаликлари билан ёш паррандалар ва қафаслар харид қилиш бўйича кредит шартномалари тузиш (Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фондда 1 йиллик имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга).	ариза келиб тушган пайтдан бошлаб бир ҳафта мобайнида
4-босқич	«Хоразм naslli parranda» МЧЖ, паррандачилик хўжаликлари	1. Деҳқон ва томорқа хўжаликларига ёш паррандалар етказиб бериш учун талаб этиладиган насли тухумларни харид қилиш графикларини шакллантириш (янгидан жалб этилаётган деҳқон ва томорқа хўжаликлари миқдори ва товуклар бош сонини янгилаш эҳтиёжини ҳисоблаш асосида). 2. Тухум харид қилишга шартномалар портфелини шакллантириш. 3. Шакллантирилган графика мувофиқ харид қилинаётган тухумларни етказиб бериш.	ҳар ойда ҳар йили
5-босқич	«Хоразм naslli parranda» МЧЖ, паррандачилик хўжаликлари	1. Харид ва импорт қилинган тухумлардан инкубацияда жўжа чиқариш. 2. Жўжаларни 90 кунлик ёшгача боқиш.	белгиланган муддатда камида 13 ҳафта
6-босқич	«Хоразм naslli parranda» МЧЖ, паррандачилик хўжаликлари	Деҳқон ва томорқа хўжаликларини туман агрофирмалари орқали тузилган шартномаларга мувофиқ ёш паррандалар билан таъминлаш.	шартномаларга мувофиқ
7-босқич	«Хоразм naslli parranda» МЧЖ	1. Ҳар йиллик эҳтиёжни ҳисоблаш асосида омухта ем, витаминлар, премикслар, қўшимчалар ҳамда ветеринария препаратларини харид қилиш ва тайёрлаш. 2. Келиб тушаётган буюртманомалар асосида омухта ем етказиб бериш, паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва вакцинация тадбирларини амалга ошириш.	донмий равишда графика мувофиқ

Вазиirlar Махкамасининг
2017 йил 3 апрелдаги 171-сон қарорига
3-ИЛОВА

Хоразм вилоятининг деҳқон ва томорқа хўжаликларини ёш паррандалар билан таъминлашнинг
ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ

Т/р	Туманлар номи	Ёш паррандалар етказиб берувчи ташкилотлар	Кишлоқ жойлардаги деҳқон ва томорқа хўжаликларини сони	Жами		2017 йил			2018 йил			2019 йил		
				парранда боқиб йўлга қўйиладиган деҳқон ва томорқа хўжаликлари сони	етказиб берилган ёш паррандалар сони, <i>минг бош</i>	парранда боқиб йўлга қўйиладиган деҳқон ва томорқа хўжаликлари сони	етказиб берилган ёш паррандалар сони, <i>минг бош</i>	парранда боқиб йўлга қўйиладиган деҳқон ва томорқа хўжаликлари сони	етказиб берилган ёш паррандалар сони, <i>минг бош</i>	парранда боқиб йўлга қўйиладиган деҳқон ва томорқа хўжаликлари сони	етказиб берилган ёш паррандалар сони, <i>минг бош</i>			
1.	Хива	«Хоразм naslli raqqanda» МЧЖ	26219	10 488	1 049	3 500	350	150	15	6 838	684			
2.	Богол		27382	12 622	1 262	12 322	1 232	150	15	150	15			
3.	Хонқа		27048	3 121	312	811	81	160	16	2 150	215			
4.	Урганч	«Feedgra» МЧЖ	24952	2 544	254	499	50	145	15	1 900	190			
5.	Хазорасп		22617	9 347	935	150	15	150	15	9 047	905			
6.	Қўшқўпир	«Qo'shko'pir raqqanda» МЧЖ	24500	2 575	258	490	49	165	17	1 920	192			
7.	Шовот		27840	11 436	1 144	150	15	11 136	1 114	150	15			
8.	Гурлан	«Urganch raqqanda invest» ХК	20831	2 192	219	417	42	225	23	1 550	155			
9.	Янгибозор		12861	1 347	135	257	26	80	8	1 010	101			
10.	Янгиариқ	«Бойжонбой Зиёда» фермер хўжалиги	20498	8 499	850	150	15	8 199	820	150	15			
	Жами:		234 748	64 171	6 417	18 746	1 875	20 560	2 056	24 865	2 487			

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 3 апрелдаги 171-сон қарорига
4-ИЛЮВА

Хоразм вилоятининг деҳқон ва томорқа хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлашнинг
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ

Т/р	Туман номи	Қишлоқ жойлардаги деҳқон ва томорқа хўжаликларини сони	ЖАМИ						Шу жумладан:									
			Қафаслар			Омухта ем			2017 йил			2018 йил			2019 йил			
			сонини (дона)	қий-мати (млн сўм)	қий-мати (млн сўм)	миқ-дори (тонна)	қий-мати (млн сўм)	қий-мати (млн сўм)	сонини (дона)	қий-мати (млн сўм)	қий-мати (млн сўм)	миқ-дори (тонна)	қий-мати (млн сўм)	қий-мати (млн сўм)	сонини (дона)	қий-мати (млн сўм)	қий-мати (млн сўм)	миқ-дори (тонна)
1.	Хива	26 219	10 488	7 342	38 281	68 906	3 500	2 450	12 775	22 995	150	105	548	986	6 838	4 787	24 959	44 926
2.	Богот	27 382	12 622	8 835	46 070	82 927	12 322	8 625	44 975	80 956	150	105	548	986	150	105	548	986
3.	Хонқа	27 048	3 121	2 185	11 393	20 508	811	568	2 962	5 331	160	112	584	1 051	2 150	1 505	7 848	14 126
4.	Урганч	24 952	2 544	1 781	9 286	16 714	499	349	1 821	3 279	145	102	529	953	1 900	1 330	6 935	12 483
5.	Хаворасп	22 617	9 347	6 543	34 117	61 410	150	105	548	986	150	105	548	986	9 047	6 333	33 022	59 439
6.	Қўшқўшпир	24 500	2 575	1 803	9 399	16 918	490	343	1 789	3 219	165	116	602	1 084	1 920	1 344	7 008	12 614
7.	Шовот	27 840	11 436	8 005	41 741	75 135	150	105	548	986	11 136	7 795	40 646	73 164	150	105	548	986
8.	Гурлан	20 831	2 192	1 534	7 999	14 399	417	292	1 521	2 737	225	158	821	1 478	1 550	1 085	5 658	10 184
9.	Янгибозор	12 861	1 347	943	4 917	8 851	257	180	939	1 690	80	56	292	526	1 010	707	3 687	6 636
10.	Янгиарик	20 498	8 499	5 949	31 021	55 838	150	105	548	986	8 199	5 739	29 926	53 867	150	105	548	986
	Жами	234 748	64 171	44 920	234 225	421 606	18 746	13 122	68 424	123 163	20 560	14 392	75 044	135 079	24 865	17 406	90 757	163 363

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 3 апрелдаги 171-сон қарорига
5-ИЛЮВА

**2017 — 2019 йилларда «Хоразм nasli ragʻanda» МЧЖнинг моддий-техника базасини ташкил этиш
учун «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ кредитлари ҳисобидан таъминланган маблағ
МИҚДОРИ**

Т/р	Харажатлар	Миқдори	Нархи	Суммаси
1.	Технологик ускуналар:			17 800,0
а)	инкубаторлар	20	50,0	1 000,0
б)	ёш паррандаларни етиштириш учун қафаслар	8	1 200,0	9 600,0
в)	она товуқлар учун қафаслар	6	1 200,0	7 200,0
2.	Омухта ем ишлаб чиқариш ва сақлаш учун ускуналар	3	1 500,0	4 500,0
3.	Ветеринария препаратлари, премикслар ва қўшимчалар			500,0
4.	Автомобиль ва махсус техника:			2 580,0
а)	ем ташиш машинаси	2	300,0	600,0
б)	фронтал юклагич	2	95,0	190,0
в)	автокара	5	70,0	350,0
г)	«Дамас» йўловчи ташиш автомобили	4	35,0	140,0
д)	«Дамас» юк автомобили	4	25,0	100,0
е)	«MAN» самосвали	3	400,0	1 200,0
5.	Қурилиш-монтаж ишларига харажатлар			12 500,0
6.	Айланма маблағ билан таъминлаш			30 000,0
	Жами:			67 880,0

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 3 апрелдаги 171-сон қарорига
5а-ИЛОВА

2017 — 2019 йилларда Хоразм вилояти паррандачилик ташкилотларининг моддий-техника базасини ташкил этиш учун
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ кредитлари ҳисобидан таъминланадиган маблағ
МИҚДОРИ

Т/р	Ёш паррандалар етказиб берувчилар	Мавжуд қувватлар		Қўшимча ташкил этилаётган қувватлар		Жами		Молиялаштириш суммаси млрд сўм	Амалга ошириш мuddати	Молиялаштирувчи банк
		ёш паррандаларни етиштириш бўйича (минг бош)	инкубаторийлар (минг дона тухум)	ёш паррандаларни етиштириш бўйича (минг бош)	инкубаторийлар (минг дона тухум)	ёш паррандаларни етиштириш бўйича (минг бош)	инкубаторийлар (минг дона тухум)			
1.	«Хоразм nasli paranda» МЧЖ			1 040,0	2 930,0	1 040,0	2 930,0	12,3	2017 й.	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
2.	«Feedgram» МЧЖ	150,0		550,0	1 200,0	700,0	1 200,0	11,0	2017-2018 й.	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
3.	«Qo'shkor'ig paranda» МЧЖ	140,0	360,0	140,0	500,0	280,0	860,0	5,0	2017-2018 й.	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
4.	«Urganch paranda invest» ХК	200,0	460,8	150,0	600,0	350,0	1 060,8	5,3	2017 й.	«Асақабан» АТБ
5.	«Бойжонбой Зиёда» фермер хўжалиги	20,0		90,0	63,0	110,0	0,0	2,0	2017-2018 й.	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
	Жами:	510,0	820,8	1 970,0	5 230,0	2 480,0	6 050,8	35,6		

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 3 апрелдаги 171-сон қарорига
6-ИЮБА

Хоразм вилояти деҳқон ва томорқа хўжаликларига ёш парралдалар ва қафаслар харид қилиш учун микрокредитлар беришининг
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ

Т/р	Банкларнинг номи	Парралда- чилик билан шугʻулла- наётган деҳқон ва томорқа хўжалик- лари сони	Парралда сони, минг бош (бир хўжаликка — 100 бош)	Тижорат банклари кредит- лари жами, млн сўм	2017 йил			2018 йил			2019 йил		
					деҳқон ва томорқа хўжалик- лари сони	етказиб берилади- ган пар- ралдалар сони, минг бош	тижорат банклари кредит- лари, млн сўм	деҳқон ва томорқа хўжалик- лари сони	етказиб берилади- ган пар- ралдалар сони, минг бош	тижорат банклари кредит- лари, млн сўм	деҳқон ва томорқа хўжалик- лари сони	етказиб берилади- ган пар- ралдалар сони, минг бош	тижорат банклари кредит- лари, млн сўм
1.	«Агробанк»	12 863	1 286	38 588	3 059	306	9 177	4 498	450	13 493	5 306	531	15918
2.	«Алоқабанк»	2 698	270	8 093	518	52	1 553	940	94	2 820	1 240	124	3720
3.	«Асақабанк»	2 813	281	8 438	546	55	1 639	980	98	2 941	1 286	129	3857
4.	«Ипотeka-банк»	5 185	518	15 555	1 139	114	3 418	1 811	181	5 432	2 235	223	6704
5.	«Ўзсаноатқурилишбанк»	7 362	736	22 085	4 827	483	14 480	1 163	116	3 489	1 372	137	4116
6.	«Қишлоққурилишбанк»	5 676	568	17 028	1 262	126	3 787	1 983	198	5 948	2 431	243	7294
7.	«Миллий банк»	10 335	1 033	31 004	2 427	243	7 281	3 613	361	10 839	4 295	429	12884
8.	«Микрокредитбанк»	7 092	709	21 277	1 616	162	4 849	2 478	248	7 435	2 998	300	8993
9.	«Халқ банк»	10 148	1 015	30 444	3 351	335	10 053	3 095	309	9 284	3 702	370	11107
Жами:		64 171	6 417	192 512	18 746	1 875	56 238	20 560	2 056	61 681	24 864	2 486	74 593